

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19731505>

Жуманиёзов Нодирбек Ғиёс ўғли

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Криминология тадқиқот институти
мустақил изланувчиси*

Аннотация

Мазкур мақолада вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятлар объектив белгиларининг назарий-ҳуқуқий мазмуни таҳлил қилинган. Шунингдек, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг объектив белгиларини аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилиш, шахснинг ғайриижтимоий қилмишлари жиноят деб топилиши, унинг оқибати қандай бўлиши, айрим ҳолларда оқибатнинг мавжудлиги ёки йўқлиги шунингдек, сабабий боғланишни аниқлаш, жиноят натижасида етказилган зарарнинг айнан шахс қилган ҳаракатларидан келиб чиққанини исботлаш ва бошқа шу каби ҳаракатларни аниқлашда намоён бўлиши илмий жиҳатдан изоҳланган.

Калит сўзлар

16 ёшга тўлмаган шахс, жинсий алоқада бўлиш, дахлсизлик, педофилия, жисмоний зўравон, жинсий эркинлик, объект, объектив томон.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятларининг жиноят-ҳуқуқий таснифлашда унинг юридик таҳлилини амалга ошириш зарур ҳисобланади. Юридик таҳлил объект, объектив томон, субъект, субъектив томон ҳаракатларидан иборатдир.

Ўзбекистонда ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа ва бошқа жинсий ҳаракатлар учун жавобгарлик институти узок вақтдан бери мавжуд бўлсада жиноят ҳуқуқи назариясида ушбу жиноятларнинг элементлари ва хусусиятлари тўғрисида ягона тушунча мавжуд эмас. Шу муносабат билан вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий хусусиятларини ўрганиш ва чуқур юридик таҳлилни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш таркибининг элементларини ўрганиш унинг объектив белгиларини таҳлил қилишдан бошланиши керак.

Объектив белгиларни тадбиқ қилишнинг зарурати шундаки, аввало, жиноятни тўғри квалификация қилиш, шахснинг ғайриижтимоий

қилмишлари жиноят деб топилиши, унинг оқибати қандай бўлиши, айрим ҳолларда оқибатнинг мавжудлиги ёки йўқлиги шунингдек, сабабий боғланишни аниқлаш, жиноят натижасида етказилган зарарнинг айнан шахс қилган ҳаракатларидан келиб чиққанини исботлаш ва бошқа шу каби ҳаракатларни аниқлашда намоён бўлади.

Жиноят ҳуқуқида объект жиноятнинг мазмунини, унинг жамият учун хавфлилигини тушунишда асосий ўрин тутди. Шунингдек, объект жиноят содир этилиши натижасида зарар етказиладиган ёки хавф остига қўйиладиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Қонун доирасида ҳимоя қилинадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатлар яъни инсон ҳаёти, соғлиги, мулки, жинсий дахлсизлиги, давлат ва жамият манфаатлари жиноят объекти сифатида қаралади. Шу маънода жиноят объекти жиноятнинг айнан қайси соҳадаги муносабатларга тажовуз қилинганини белгилаб беради ва жиноятнинг моҳияти айнан шу муносабатларга етказилган зарар билан белгиланади.

Объект тушунчаси жиноят таркибининг асосий унсури бўлиб, у айбдорнинг ҳаракатлари қандай ижтимоий муносабатларни бузганини ёки хавф остига қўйганини кўрсатади. Масалан, шахсга қарши жиноятларда жиноятчи инсон ҳаёти ёки соғлигига; иқтисодий жиноятларда эса мулкка оид муносабатларга; жинсий дахлсизликка қарши жиноятларда шахснинг шаъни ва жинсий эркинлигига дахл этилади.

Вояга етмаганларга нисбатан жинсий жиноятларда ҳимоя қилинадиган объект сифатида балоғатга етмаганларнинг жисмоний ва жинсий жихатдан нормал ривожланиши ҳамда жинсий дахлсизлиги уларнинг нормал ҳаёт фаолиятидаги муносабатлар сифатида эътироф этилади, чунки бу муносабатлар ҳар қандай ҳолатда махсус ҳимояни талаб қилади.

Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жиноятларда тажовуз объекти сифатида Қ.Пайзуллаев⁷² вояга етмаганларнинг жисмоний ва жинсий етуқлигини, Ф.Тохиров⁷³ жинсий жихатдан нормал ривожланишини, М.Рустамбоев⁷⁴ шахснинг шаъни ва кадр-қиммати билан бирга жинсий дахлсизликни бузувчи ҳаракатларни С.Ниёзова⁷⁵ эса боланинг нормал ривожланишини кўрсатишди.

⁷² Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.авторэф. – Тошкент, 2006; –С. 88.

⁷³ Ф. Тахиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. УДК 343.54.34. (5751). Тошкент 2007. Б. – 125.

⁷⁴ Рустамбоев М.М Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Т. Адолат нашр. 2022. – Б.154

⁷⁵ S.S.Niyozova. Axloqqa qarshi qaratilgan jinoyatlarning jinoyat-huquqiy va kriminologik jihatlari: Monografiya. // Mas'ul muhar: yu.fan.dok., professor G.Z.To'laganova. TDYU. 2019. B-110.

Кўриб турганимиздек муаллифлар жиноят объекти бўйича турли нуктаи назарда бўлиб, “жинсий дахлсизлик” тушунчасини қўллайдилар. Шў ўринда ушбу атамага тушунтириш бериб ўтиш лозим.

Дахлсиз ҳеч ким томонидан бузилиши, тажовуз қилиниши, камситилиши мумкин бўлмаган, қонун томонидан қатъий ҳимоя қилинадиган ҳолат ёки ҳуқуқ⁷⁶, “дахлсизлик” сўзи эса ҳар қандай хавф ёки тажовуздан ҳимоя этилганлик⁷⁷ маъноларини билдиради.

Жинсий дахлсизлик эса болалар, яъни 16 ёшга тўлмаган шахслар билан ҳар қандай жинсий алоқалар ёки бошқа характердаги ҳар қандай жинсий (шахвоний) ҳаракатларни амалга оширишнинг, улар рози бўлган ёки рози бўлмаганидан қатъи назар қонун томонидан тақиқланганлиги тушунилади⁷⁸.

Шу ўринда айтишимиз мумкинки, жиноят қонунчилигида болаларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддалар диспозициясида жинсий жавобгарликни келтириб чиқарувчи шарт сифатида “жинсий етуклик” эмас, балки муайян ёш (14, 16, 18) белгиланган. Буни бир нечта сабаб орқали изохлашимиз мумкин.

Биринчи навбатда, Ф.Тохиров таъкидлаганидек⁷⁹, “жинсий етуклик” тушунчаси биологик, психологик, ижтимоий ва жисмоний жиҳатлардан иборат бўлиб, уни аниқ ва бир хил мезон орқали баҳолаш амалда деярли имконсиз. Ҳар бир боланинг физиологик ривожланиши, рухий ҳолати, ақлий қобилияти турлича бўлгани учун “қанча вақтда етук”, “қайси ҳолатда етук”, “ким томонидан ва қандай мезон билан аниқланади” деган саволлар жиноят ҳуқуқида аниқ жавобга эга бўлолмайди. Демак, жинсий етукликни юридик асос сифатида қўллаш ҳуқуқий ноаниқликларга олиб келади.

Шу сабабли қонун анча аниқ ва барқарор мезон ёшнинг белгиланишини қабул қилади. Масалан, 14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан ҳар қандай жинсий ҳаракатлар жиноят ҳисобланади; бу ҳолатда боланинг “етук” ё “етук эмас”лиги ўрганилмайди, чунки қонун болани махсус муҳофаза остига олишни ёш жиҳатдан кафолатлайди.

⁷⁶ Шахсий ҳуқуқлар (амалий қўлланма) – Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021 й. – 96 б. © «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари М.Икрамовнинг умумий таҳрири остида

⁷⁷ <https://izoh.uz/uz/word/daxlsizlik>

⁷⁸ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 65.

⁷⁸ Черниловский З.М. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 2009. – С. 287.

⁷⁹ Ф. Тахиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. УДК 343.54.34. (5751). Тошкент 2007. Б. – 125.

Иккинчидан, психология ва тиббиёт фанларининг болалар руҳиятига оид илмий тадқиқотларида болалар жинсий муносабатларнинг моҳияти ва оқибатларини тўлиқ англай олмадиги исботланган. Ф.Расулова таъкидлаганидек⁸⁰, бола ҳатто физиологик жиҳатдан етук бўлса ҳам, психик ривожланиши жинсий муносабатларга мустақил ва онгли равишда розилик билдириш учун етарли эмас. Шунинг учун қонун унинг розилигини инобатга олмайди ва муайян ёшга етмагунча ҳар қандай жинсий ҳаракатдан уни мутлақ ҳимоя қилади.

Учинчидан, тергов ва суд амалиётида “жинсий етуклик”ни аниқлаш имконининг йўқлиги. Агар жавобгарлик “етуклик”ка боғланганида, экспертиза хулосалари доимо баҳсли, ҳар хил талқин қилинувчи, субъектив хулосаларга таянган бўлар эди. Бу эса жинойтчиликка қарши курашда самарасизликка, айбдорларнинг жавобгарликдан қочишига ёки аксинча, ноқонуний жазоланиш ҳолатлари ошишига сабабчи бўларди.

Тўртинчидан, жинойт қонунчилигида талаб этиладиган ҳуқуқий аниқлик (legal certainty) яъни жинойт таркибининг белгиси барчага аниқ, равшан ва тушунарли бўлиши ҳамда ноаниқликлар қолизион ҳолатлар бўлмаслиги лозим. Шунинг учун жинойт таркиби диспозицияларида “14 ёшга тўлмаган”, “16 ёшга тўлмаган”, “18 ёшга тўлмаган” деган мезонлар қўлланилади. Бу ваҳоланки, жинойтнинг тўғри квалификациясини таъминлайди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун аниқ мезон бўлиб хизмат қилади.

Бешинчидан, болаларни максимал даражада ҳимоя қилиш сиёсатидир. Давлат болаларнинг жисмоний, жинсий ва руҳий нормал ривожланишини мутлақ ҳимоя қилиш вазифасини бажариши керак. Шу боис қонун муайян ёшгача бўлган барча болаларнинг жинсий дахлсизлигини мутлақ ҳимоя остига олади. Бу сиёсат халқаро ҳуқуқ Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларига ҳам мос келади.

Шундай қилиб, болаларга нисбатан жинсий жинойтлар учун жавобгарликни “жинсий етуклик” эмас, балки ёш билан белгилаш зарурати ҳуқуқий аниқлик, болаларнинг жисмоний ва руҳий ҳимояси ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлик каби омиллар билан тўла асослаш мумкин.

Шу ўринда, вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигига қарши жинойтларда жабрланувчиларнинг ёш чегарасини 14, 16, 18 ёш сифатида белгиланиши боланинг жинсий ривожланиши ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтожлик даражасига мувофиқ тарзда ажратилган. Шу асосда жинсий

⁸⁰ Ф.Расулова. -“Экспериментальная психология и практикум”. Методическое пособие. Ташкент.: 2022 г. (в соавторстве). Ссылка на научные работы:<https://scholar.google.com/citations?user=ouo1UcAAAAAJ&hl=en>

дахлсизлик ҳуқуқини вояга етмаганларга нисбатан қуйидагича гуруҳларга бўлиш мумкин:

Мутлоқ жинсий дахлсизлик 14 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг жинсий муносабатлар моҳиятини англаш қобилиятига эга эмаслиги, ушбу ёшдаги болаларда жинсий хулқ-атворнинг биологик ва психологик негизлари ҳали шаклланмаганлиги, улар жинсий ҳаракатларнинг маъноси, оқибати ва хавфини идрок эта олмаслиги ва ҳар қандай ҳолатда ҳам розилигидан қатий назар жинсий алоқанинг мутлоқ тақиқлангани билан белгиланади. Бу ёшда бола онгли қарор қабул қилиш қобилияти шаклланмаганлиги сабабли жинсий алоқага “розилик” бера олмайди (ЖК 118 ва 119 моддаларининг 4-қисмлари).

Нисбий жинсий дахлсизлик 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларнинг жинсий ҳаракатлар ва жинсий муносабатларни қисман англай олишлари, жинсий жихатдан балоғатга етганликлари, шунингдек, жинсий алоқанинг салбий оқибатларини тўлиқ тушуна олмасликлари сабабли зўрлик ишлатиб ёки кўрқитиб содир этилган жинсий алоқаларни қонунан тақиқланиши ҳамда айрим ҳоллардан ташқари жинсий алоқага розиликнинг аҳамияти билан белгиланади.

Нисбий жинсий эркинлик 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг тўлақонли балоғат ёшига етганлиги, ўз хатти-ҳаракатларини моҳиятини англай олишлари, жинсий алоқанинг оқибатларини тўлиқ англамасликлари, жинсий алоқага розиликнинг тўлақонли аҳамияти ҳамда айрим ҳоллардан ташқари (моддий қимматликлар бериш ёки мулкий ёхуд бошқача тарзда манфаатдор этиш орқали жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабiiй усулда қондириш) жинсий алоқа қилишдаги эркинлиги билан тавсифланади.

Демак, болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган тажовузларнинг объекти 16 ёшга тўлмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва нормал ривожланиши ҳисобланади. Шунингдек таҳлил қилинаётган жинсий қилмишлар жамиятнинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол келажак авлодни тарбиялашга бўлган манфаатларига ҳам жиддий хавф солади. Бундай тажовузларнинг қўшимча объекти бўлиб шахснинг соғлиги ҳисобланади. Масалан, ЖК 118, 119-моддалари учинчи ва тўртинчи қисмлари, 128-модда иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятлар содир этилганда жабрланувчиларнинг жинсий дахлсизлиги билан бир қаторда баданига турли даражада шикаст етказиши мумкин⁸¹.

⁸¹ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент,

К. П. Пайзуллаев бундай тажовуларни жинсидан қатъий назар барча 16 ёшга тўлмаганлар учун хавфли эканлигини, шубҳасиз жинсий алоқада бўлиш эркак жинсига тегишли шахсга қиз учун бўлган оқибатларни, яъни дефлорация⁸², хомиладорлик⁸³, аборт⁸⁴ каби оқибатларга олиб келмаслигини таъкидлайди⁸⁵. Лекин шундай бўлсада ўсмир ўғил болалар учун ҳам жинсий ҳаётнинг барвақт эрта бошланиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. А. Б. Сахаровнинг таъкидлашича, вояга етмаган жиноятчиларнинг учдан бир қисми жинсий ҳаётни эрта бошлаганлардир⁸⁶.

Тиббиётда етилмаган организмнинг жинсий алоқа билан боғлиқ ҳолатлари салбий реакция кўрсатиши аниқланган. Бу эса ўз вақтида ўсмирнинг жисмоний ва жинсий ривожланишига салбий таъсир қилади ҳамда маънавий дунёсини қашшоқлашувига олиб келади. Қолаверса, барвақт уйғонган жинсий майлни қондириш ва ахлоқий онгнинг хали тўла шаклланимаганлиги ўсмирда жинсий жиноятларни содир қилишга ундовчи мотив бўлиб хизмат қилади.

Жиноят қонуни билан муҳофаза қилинувчи ижтимоий муносабатларга тажовуз субъектнинг муайян фаолияти бўлиб, унинг ўзи ёки бошқа кучлар билан биргаликда мавжуд ижтимоий муносабатга хавф тўғдиради ёки ҳақиқатдан ҳам зиён етказди. Шу ўринда айтиш жоизки, объектив томон белгиларининг ҳаммаси ҳам турли хил жиноятларда бир хил мазмунга эга эмас.

Шундай қилиб, жинсий дахлсизлик вояга етмаганнинг нормал шаклланиши ва ривожланиши учун шарт бўлиб хизмат қилади” деб айтишимиз мумкин.

Юқоридаги фикрларни бирлаштириб айтиш мумкинки, мазкур жиноятнинг бевосита объекти – ўн олти ёшга тўлмаган шахснинг жинсий дахлсизлигини ҳимоя қилувчи ижтимоий муносабатлар, шунингдек, вояга етмаганларнинг нормал ахлоқий, жисмоний ва рухий ривожланишини таъминлашдир, деган хулосага келиш мумкин.

Вояга етмаганларга нисбатан содир этилган жинсий жиноятлар, биринчидан, жабрланувчига жиддий жисмоний зарар етказди, иккинчидан,

2006; –С. 51.

⁸² Дефлорация (лотинча де “олиб ташлаш, йўқ қилиш” + флос, флорис “тул, ёшлик, бокиралик”) қизлик пардаси яхлитлигини бузишдир. Дефлорация кўпинча биринчи жинсий алоқада содир бўлади.

⁸³ Homiladorlik, og'ir oyoq - ona organizmida urug'langan tuxumhujayraning rivojlanish va etuk homila bo'lib shakllanishiga olib keladigan fiziologik jarayon.

⁸⁴ Abort (sun'iy abort, lotincha abortus – “bola tashlash, bola tushirish” homiladorlikni sun'iy ravishda to'xtatishdir.

⁸⁵ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 51.

⁸⁶ Сахаров А.Б. Правонарушение подростка и закон. – М.. – С.160.

уларнинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайди, учинчидан, психологик салбий ўзгаришларга олиб келади⁸⁷.

Шунингдек, бундай жиноятлар боланинг дунёқараши ва ўзига бўлган тасаввурларини бузиб, бошқа одамлар билан муносабатларини издан чиқаради ҳамда тўғри ахлоқий тарбия шаклланишига тўсқинлик қилади. Хусусан, Игнатовнинг фикрига кўра, “Вояга етмаганларга нисбатан бузук хатти-ҳаракатлар содир этишда ва балоғатга етмаган шахс билан жинсий алоқада бўлганда, жабрланувчининг соғлиғига зарар етиши (масалан, кизлик пардасининг шикастланиши ёки бошқа тан жароҳатлари), шунингдек, шахснинг кадр-қимматини камситилиши (масалан, вояга етмаган шахс билан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш) мумкин. Бироқ бу ҳолларда жиноий қилмишнинг моҳиятини белгиловчи асосий объект вояга етмаганларнинг нормал жисмоний ва маънавий ривожланиши ва шаклланиши ҳисобланади”⁸⁸. М.Рустамбаев⁸⁹ ва Р.Икромов⁹⁰лар “жиноят объектив томондан ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этишда ифодаланишини тушунтириб, уятсиз-бузук ҳаракатлар жисмоний ва интеллектуал уятсиз-бузук ҳаракатларда намоён бўлишини илгари суришади”⁹¹. Гусарово М.В “айбдорнинг жабрланувчининг танаси билан тўғридан-тўғри алоқа мавжудлигига (йўқлигига) қараб, бузук ҳаракатларнинг бутун мажмуасини шартли равишда жисмоний ва интеллектуал, контактли ва контактсиз шаклларга бўлиш мумкин”⁹² деб келтиради.

Юқоридагиларни инобатга олсак, вояга етмаган шахс қанчалик ёш пайтидан жабрланувчи бўлса нормал ахлоқий, жисмоний ва руҳий ривожланишидаги бузилишлар шунча кўп ва тузалмас бўлади.

ЖКнинг олдинги таҳририда 16 ёшга тўлмаган шахс билан унинг розилиги асосида жинсий алоқага киришган айбланувчи жабрланувчининг ёшини билмаганини баҳона қилиб, енгилроқ модда билан жавобгарликка тортилиши мумкин эди. Янги таҳрирда бундай шахсларнинг жавобгарлигининг муқаррарлиги таъминланиб, айбланувчи жабрланувчининг ёшини билган-билмаганидан қатъи назар жиноий жазога

⁸⁷ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 88.

⁸⁸ Игнатов А.Н. Ответственность за преступления противоправности (половые преступления). М., 1966. С .10-11

⁸⁹ Рустамбаев М.М Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Т. Адолат нашр. 2022. – Б.159

⁹⁰ <https://arboblar.uz/ru/people/ikramov-latif-tulyaganovich>

⁹¹ Jinoyat huquqi. Maxsus qism: Darslik. Qayta ishlangan va to'ldirilgan ikkinchi nashri / Sh.T.Ikramov, R.Kabulov, A.Otajonov va boshqalar: Mas'ul muharrir Sh.T.Ikramov. –Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2016.В 123

⁹² Gusarova M.V. Sexual abuse as a criminal category // Bulletin of the Kazan Law Institute of MIA of Russia. 2018. V.9, N 2. P.231-237. DOI: 10.24420/KUI.2018.32.13971

тортилиши белгиланди. Яъни 14, 16 ёки 18 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан жинсий зўравонликни содир этган шахснинг қилмиши, у жабрланувчининг ёшидан хабардор бўлган-бўлмаганидан қатъи назар, жабрланувчининг ҳақиқий ёшидан келиб чиқиб баҳоланиши ва мутаносиб оғир жазо тайинланади.

Жинсий алоқа ўзаро розилик асосида амалга оширилади. Бунда номусга тегиш ва 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ўртасидаги асосий фарқлардан бири – розиликнинг мавжудлигида. Аммо масаланинг нозик жиҳати шундаки, ёш боланинг розилиги қай даражада объектив? 15 ёшга тўлмаган бола ўз қарорининг аҳамиятини қай даражада идрок эта олади ва жиноятчининг унга психологик таъсирини англай, уни енга оладими? Юқорида айтилганидек, номусга тегиш жиноятининг зарурий шarti қилмиш зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, содир этилишида. Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарори⁹³да барча 14 ёшга тўлмаган ожиз аҳволдаги шахс ҳисобланганлиги сабабли улар билан табиий ёки ғайритабиий усулда жинсий алоқа қилиш ЖК 118-моддаси 4-қисми, 119-моддаси 4-қисми билан квалификация қилиниши тушунтирилган.

Шундан келиб чиқиб, ЖК 128-моддаси фақатгина ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахс билан жинсий алоқа қилишликнигина қамраб олганлиги боис ЖКнинг 128-моддасининг номи ва биринчи қисмининг диспозициясидаги “**Ўн олти ёшга тўлмаган шахс**” сўзлари “**Ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган шахс**” сўзлари билан алмаштирилиши лозим.

Ушбу масала доирасида, ЖКнинг 118-моддаси 4-қисми, 119-моддаси 4-қисми ҳамда 128-моддалари юзасидан 2024 йилда содир этилган жиноятлар бўйича жиноят иши материаллари ўрганилганда 14 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилинган барча ҳолатда қилмишлар ЖКнинг 118-моддаси 4-қисми ҳамда 119-моддаси 4-қисми бўйича квалификация қилинган. Демак, 2024 йилда ЖКнинг 128-моддаси доирасида қўзғатилган жиноятлар бўйича жабрланганларнинг ёши фақатгина 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган шахсларни ташкил қилади.

⁹³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарори // <https://lex.uz/docs/2414120> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.03.2025).

Масалан, 2022 йилда 2007 йил туғилган қиз билан жинсий алоқа қилиш ҳолати юзасидан, жинсий алоқа ихтиёрий тарзда бўлиб, зўрлик ва кўрkitиш ҳаракатлари содир этилмаган бўлсада жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳри суди томонидан қилмиш ЖКнинг 118-моддаси 4-қисми билан айблов ҳукми чиқарилган⁹⁴.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг объектив томони хусусиятлардан бири сифатида бу турдаги жиноятларнинг фақат фаол ҳаракатлар билан амалга оширилишида кўриш мумкин. Шунинг учун шахвоний характерда бўлган аниқ ҳаракат, яъни шахс жинсий манфаатларига зарар етказадиган ёки бундай зарар етказиш хавфини туғдирадиган ҳаракатларни амалга оширишнинг реаллиги ёхуд бундай характердаги жиноятларнинг фактик амалга оширилиши барча болалар жинсий дахлсизлигига тажовузларнинг объектив томони учун зарурий белги ҳисобланади. Бироқ, бу борада жинсий эҳтиёжни қондиришга қаратилган бўлса-да, лекин вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлигини бузмайдиган, балки бошқа ижтимоий муносабатларни бузувчи ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатлар жинсий жиноятлар тизимига киритилмаслиги лозим.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг барчаси формал таркибли жиноят ҳисобланиб, айбдорнинг ўз жинсий манфаатларига эришган ёки эришмаганлигидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади.

Шунингдек, жинсий алоқа содир бўлганидан кейин жабрланувчи унга нисбатан содир қилинган хатти-ҳаракатларни бошқаларга айтмаслиги учун ёки бошқа мотивлар юзасидан айбдор томонидан унга шикаст етказилиши ёки ўлдириш билан кўрkitилиши болаларнинг номусга тегиш учун зўрлик ишлатиш деб қаралмасдан Жиноят кодексининг “соғлиққа қарши жиноятлар”га тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим.

Объектив томондан болаларнинг номусига тегиш уларни кўрkitиш, яъни психологик рухий зўрлик ишлатиш орқали ҳам содир этилиши мумкин⁹⁵. К.П.Пайзуллаевнинг таъкидлашича⁹⁶, болаларнинг номусига тегиш 16,1% ҳолатларда кўрkitиш орқали содир этилади. Объектив томондан кўрkitиш ҳар доим ҳам (ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitишдан ташқари) алоҳида жиноят таркибини ташкил қилмайди. А. Ниёзов фикрича,

⁹⁴ Фарғона вилояти жиноят ишлари бўйича суди материаллари архивидан. №478-103

⁹⁵ Преступление: вопросы и ответы (по Уголовному кодексу Российской Федерации): Научно-практическое пособие /Отв.ред. Н.Ф.Мурашов. 2-изд.,исправления и дополнения – М.: Шумилова И.И., 2001. – С.150-151; Чечель Г.И. Жестокий способ совершения преступлений против личности. – М.:Нальчик, – С.112.

⁹⁶ Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-хукукий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 51.

“қўрқитиш бошқа жиноятнинг объектив томон элементи сифатида намоён бўлган ҳолларда у жабрланувчининг қаршилигини синдириш, агар у айбдорнинг талабини бажармаса у ёки бу ҳил шикаст етказиш билан чўчитиш мақсадида унинг психикасига таъсир этиш усули ва воситаси бўлиб хизмат қилади”⁹⁷.

Масалан, Д.М. Наманган шаҳрида 2018 йил ёз ойларида диний таълимдан сабоқ бериш учун расмий рухсатномаси бўлмасда, ўзининг яшаш хонадонидида 2004 йил туғилган З.Х., 2005 йилда туғилган А.Л., 2005 йилда туғилган М.М., 2006 йилда туғилган А.Ю., 2007 йилда туғилган М.М.ларга “Муллими соний” ва “Қуръони карим” китобларидан сабоқ бериб келган ҳамда уларнинг ўн тўрт ёшга тўлмагани ўзига аён бўлгани ҳолда бир неча маротаба уларнинг ёшлигидан фойдаланиб, уларни қўрқитиб, уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этиб, сабоқ берганини рўқач қилиб, ўстоз айтган барча ишларини сўзсиз бажариши кераклиги ҳақида рухий таъсир ўтказиб, акс ҳолда муқаддас “Қуръони карим” китоби ғазабига дучор бўлишлари билан таҳдид қилиб, ҳар бирини алоҳида сабоқ берган хонадонидида тунаш учун олиб қолиб, ҳар бири билан алоҳида жинсий эҳтиёжини ғайритабiiий усулда қондирганликда айбли деб топилган.

Шунингдек, ёш болалар жинсий алоқага розилигининг аҳамиятини тўла идрок эта олиши уларнинг психологик ривожланганлик даражаси ва бошқа омиллар билан биргаликда ёшига кўп жихатдан боғлиқлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарори⁹⁸га асосан ЖКнинг 118 ва 119-моддалари бўйича ушбу жиноятлардан жабрланган ўн тўрт ёшга тўлмаган шахслар ожиз аҳволдаги шахс сифатида қаралишини инобатга олиб, уларга нисбатан зўрлик, қўрқитиш ишлатилган ёки ишлатилмаганлигидан қатъи назар улар билан жинсий алоқа қилиш каби қилмишларни 14 ёшга тўлмаган шахсларнинг номусига тегиш сифатида баҳоланиши лозим. Юқорида таъкидланганидек, 14 ёшга тўлмаган шахснинг жинсий алоқага розилиги юридик аҳамиятга эга эмас.

Германия жиноят ҳуқуқига кўра, 14 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқага киришиш бола розилик берган ёки бермаганлигидан қатъи назар зўрлик ишлатилган деб баҳоланади.

⁹⁷ Ниезов А. Қўрқитиш жиноятининг ҳуқуқий тушунчаси ва уни таснифлаш // Ж. Қонун номи билан –.№3-4. – Б.54.

⁹⁸ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2010 йил 29 октябрдаги “Номусга тегиш ва жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондиришга доир ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарори // <https://lex.uz/docs/2414120> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 27.03.2025).

ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми диспозициясида номусга тегиш “зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш” кўринишида изоҳланганлигидан келиб чиқсак мазкур модданинг 4-қисми яъни “ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш” қисмига ҳам юқоридаги таъриф таълуқли деган хулосага келишимиз мумкин. Аммо, иккинчи тарафдан эса юқорида таъкидланганидек, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс ожиз ахволдаги шахс сифатида қаралишини инобатга олсак, жиноятни номусга тегиш деб баҳолашда жиноятнинг зарурий белги сифатида зўрлик ишлатиб, кўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб содир этиш каби объектив томонларни киритмаслигимиз лозим. Бу эса норманинг структуравий тузилишида чалкашликлар мавжудлигини кўрсатади.

Ф.Тоҳиров ҳам ушбу модданинг тузилишига эътибор қаратиб, ўн тўрт ёшгача бўлган болалар билан ҳар қандай турдаги жинсий алоқа зўрлик, кўрқитиш ишлатилган ёки ишлатилмаганлигидан қатъий назар номусга тегиш сифатида баҳолаш лозимлигини таъкидлайди⁹⁹.

М.Рустамбоев эса, ўн тўрт ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш жиноятининг зарур белгиси шахснинг ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги ва табиий жинсий алоқа содир этилганлиги билан изоҳлайди¹⁰⁰.

Ундан ташқари ушбу тақлифларни қонунчиликка киритиш вояга етмаганлар билан жинсий муносабатларга киришиш, ҳатто уларнинг розилиги бўлса ҳам, жиноят ҳисобланиши ва бу, жиноятчини ҳар қандай ҳолатда жавобгарликка тортишни назарда тутати. Бу тақлифлар вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлсизликка нисбатан ҳимояни кучайтиришга ва жинсий алоқага нисбатан хатарни сезиш ва бунинг олдини олиш имкониятларини оширади.

Хуллас, олимларнинг фикридан келиб чиқиб, юқорида келтирилган объектив томон ҳаракатларни яъни зўрлик, кўрқитиш ишлатилган ёки ишлатилмаганлигидан қатъий назар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш жумлаларини ЖКнинг 118-моддаси 4-қисмида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖКнинг 118-моддаси 4-қисмини қуйидагича баён этиш тавсия этилади:

⁹⁹ Ф. Тоҳиров. Ўзбекистон Республикаси қонуни бўйича жинсий жиноятлар учун жавобгарлик муаммолари. Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. УДК 343.54.34. (5751). Тошкент 2007. Б. – 125.

¹⁰⁰ Рустамбоев М.М Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Т. Адолат нашр. 2022. – Б.154

Ўн тўрт ёшга тўлмаган шахнинг номусига тегиш, яъни зўрлик, кўрkitиш ишлатилган ёки ишлатилмаганлигидан қатъий назар ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, болаларга нисбатан жиноятлар ва жинсий жиноятлар содир этилганда тажовуз объекти сифатида жинсий дахлсизлик ва боланинг нормал ривожланиши, жинсий этукликка эришмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлиги ва жинсий жихатдан нормал ривожланиши, жинсий дахлсизлик, боланинг нормал ривожланиши, боланинг жинсий жихатдан нормал ривожланиши, болаларнинг жисмоний, маънавий ва ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ўрганилаётган тадқиқотнинг бевосита объектив томон белгиларини ўрганишда аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминалогик жихатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.
2. Советское уголовное право (Особ. часть) / И.И. Сеницкий и др. – Л: ЛГУ, 2011. –С. 158.
3. Сексуальное насилие у подростков. Пособие для врачей-курсантов. Под редакцией профессора Ю.А.Гуркина. – Санкт-Петербург: ППМИ, 1997. –С.3.
4. Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноят ёхуд жинсий қилмишларга доир муамоллар // Ж. Ҳаёт ва қонун. – 2003. –№6. –Б. 17. Юридический словарь. В 2-х т. –М: Юридическая литература, 1997. Т.2. – С. 228.
5. Флоренций Б.Ю. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 1959. – С. 287.
6. Наимов.А.С. Преступления против жизни, здоровья, свобода и достоинства личности. – М.: ВЗЮИМ, 2011. – С.64.
7. Рус давлатида вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлиги жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг тарихий-ҳуқуқик жихатлари билан батавсил танишиш учун (қаранг): Пудовочкин Ю.Е. Ювенальное уголовное право: теоретико-методологические и историко-правовые аспекты. –М., 2000. –С. 40.